

## БОЛАЛАРНИНГ ЖИНСИЙ ДАХЛСИЗЛИГИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ЮРИДИК ТАҲЛИЛИ: ЖИНОЯТ СУЪБЕКТИ ВА СУЪБЕКТИВ ТОМОНИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13777239>

**Жуманиёзов Нодирбек Гиёс ўғли**

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси мустақил изланувчиси*

[jumaniyozovnodir0@gmail.com](mailto:jumaniyozovnodir0@gmail.com)

+998972035351

### **Аннотация**

**Долзарблиги:** Сўнги пайтларда ижтимоий тармоқларда бот-бот вояга етмаганларга нисбатан тажовузлар содир этилаётгани ҳақида хабарлар тарқалаяпти. Ҳатто, бу воқеаларнинг айримлари болаларнинг ўлими билан тугамоқда. Кенгроқ микёсда қаралганда, нафақат бизда, балки бутун дунё бўйлаб педофилия билан боғлиқ жиноятлар сони ошаётганини кузатиш мумкин. Бу турдаги жиноятларни камайтириш, бутунлай йўқотиш учун тегишли кескин чоралар кўриш вақти етди. Яқинда кетма-кетликда рўй берган ҳолатлар: Тошкентда ўн икки ёшли қизнинг фожиали ўлими, Хоразмдаги воқеалар вояга етмаганларга нисбатан жинсий зўравонлик мавзусидаги муҳокамаларнинг салмоқли кўпайишига олиб келди. Оммада талай хато қарашлар, фикрлар кузатилди, иккала ҳолатга ҳам бир нуқтадан қаралди. Жамиятда бу масалада билимнинг етишмаслиги кўринди, натижада муаммо билан курашишда тўсиқлар вужудга келиши мумкин. Ушбу мақолада, 16 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқада бўлиш жиноятига қарши курашнинг миллий ва хорижий тажрибалар таҳлили ҳамда ушбу жиноят ривожланиш тарихи ёритилган.

### **Калит сўзлар**

16 ёшга тўлмаган шахс, жинсий алоқада бўлиш, дахлсизлик, педофилия, жисмоний зўравон, жинсий эркинлик.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 128-моддасига мувофиқ жиноят содир қилишда айбдорнинг таъсир усуллари асосан, илтимос, ваъда бериш, кўндириш, жинсий этирос уйғотиш, жинсий алоқага қизиқтириш кабилар бўлиши мумкин. Шу билан бирга ушбу ҳаракатлар давомида айбдор уятсиз-бузуқ ҳаракатлар содир қилиши мумкин. Бу ҳолатда айбдорнинг

харакатлари, агарда жинсий алоқа содир этилган бўлса ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш нормаси билан кўшимча квалификация қилиш шарт эмас.

Шунингдек, 16 ёшга тўлган аёл 16 ёшга тўлган аёл билан жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатмасдан ғайритабиий усулда қондирганлиги (лесбианлик) учун жиноят қонунида жавобгарлик мавжуд эмас. Лекин 16 ёшга тўлган аёл киши шундай қилмишни 16 ёшга тўлмаган аёл жинсидаги болага нисбатан содир қилса, уни ЖКни 128-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортиш керак бўлади.

Болаларнинг жинсий дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятларнинг субъекти жинсидан қаъттий назар қонунда белгиланган ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс ҳисобланади. Бундай турдаги жиноятларнинг махсус субъекти бўлиб мазкур жиноятларни олдин (такрор) содир этганлар, шунингдек, хавфли ва ўта хавфли рецидивистлар ҳисобланади<sup>2</sup>.

Ақли расолик (ўз хатти-харакатларининг мохияти ва улар келтириб чиқарадиган оқибатлар ижтимоий хавфлилигини англаб етиш) жиноят субъектининг асосий белгисидир. Ақли норасо шахслар жиноий жавобгарликка тортилмайдилар, бунда ақли норасолик ҳолати шахснинг фақат жиноят содир қилинаётган пайтига хосдир. Суд психиатриясида ўткир сексуал хаяжонга сабаб бўладиган психик касалликлар ҳам мавжуд бўлиб (масалан, маниакал депрессив психоз<sup>3</sup>нинг юқори босқичи, олигофрения<sup>4</sup> (туғма ақлий заифлик билан боғлиқ касаллик), прогрессив паралич<sup>5</sup>нинг бошланғич босқичи ва хк ), бундай касалликка чалинган шахслар ақли норасолик ҳолатида жинсий жиноятларни кўпроқ содир этадилар.

<sup>2</sup> Абдурасулова Қ.Р. Жиноятнинг махсус субъекти. Ўқув қўлланма. – Т.ТДЮИ нашриёти. – Б.104-108.

<sup>3</sup> Биполярное расстройство, либо *биполярное аффективное расстройство*, [акр. БАР](#); либо *маниакально-депрессивное расстройство*; ранее *маниакально-депрессивный психоз*, МДП; первоначально *циркулярный психоз* или *циклофрения* — [эндогенное психическое расстройство](#), проявляющееся в виде [аффективных состояний](#): [маниакальных](#) (или [гипоманиакальных](#)) и [депрессивных](#) (либо [субдепрессивных](#)), а нередко и [смешанных состояний](#). Возможны многообразные варианты смешанных состояний

<sup>4</sup> Ўмственная отсталость, ранее — малоумие, олигофрения (*др.-греч. ὀλίγος* «малый» + *φρήν* «ум») — врождённая или приобретённая в период развития задержка либо неполное развитие [психики](#), проявляющаяся нарушением [интеллекта](#), вызванная [патологией головного мозга](#) и ведущая к [социальной дезадаптации](#). Проявляется в первую очередь в отношении [разума](#) (откуда и название), также в отношении [эмоций](#), [воли](#), [речи](#) и [моторики](#).

<sup>5</sup> Прогрессивный паралич - диффузный сифилитический менингоэнцефалит, проявляющийся психопатологическими и неврологическими расстройствами и завершающийся глубоким слабоумием. Заболевание развивается в среднем через 10-15 лет после заражения сифилисом. Без лечения оно, как правило, через 2-5 лет оканчивается летально.

Шунингдек, кучли (паталогик) мастлик холатида ҳам айбдор ўз қилмиши моҳияти ва унинг оқибатининг ижтимоий хавфлилигини англай олмайди.

Болаларнинг жинсий дахлсизлиги ва эркинлигига қарши қаратилган жиноятлар учун субъект ёши жиноят қонунида турлича белгиланган: масалан, вояга етмаган шахсларни номусига тегиш ҳамда жинсий ехтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритаъбий усулда қондириш жиноятларида субъект ёши – 14 ёш бўлса, 16 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш, уятсиз бузук ҳаракатлар қилиш ҳамда вояга етмаган шахсни фоҳишалikka жалб қилиш ва ундаш каби жиноятларда субъект ёши – 16 ёш ҳисобланади. Белоруссия<sup>6</sup> ва Озарбайжон<sup>7</sup> Жиноят кодексларида эса 16 ўшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш ва уятсиз-бузук ҳаракатлар қилиш жиноятларида субъект ёши 18 ёш қилиб белгиланган.

Жиноят ҳуқуқи назариясида мазкур тоифадаги жиноятларни содир этканлик учун жавобгарлик ёшини белгилаш ҳақида турли хил фикрлар мавжуд. Олимларнинг бир тоифаси умумий белгиланган ёш 16 ёш эмас, балки 18 ёшга тенг бўлиши кераклигини уқтиришмоқда. Масалан шундай олимлардан А.Игнатов<sup>8</sup>, П.П.Осипов<sup>9</sup>, болаларга қарши қаратилагн жинсий жиноятлар (номусга тегишдан ташқари) учун жавобгарлик ёшини юқори қилиб белгилашни ёқлайдилар. Бу фикрларга қарши ўлароқ, Я.М.Яковлев охириги пайтларда ўсмирларнинг жисмоний ва ақлий даражаси ўсганлигини таъкидлаб, ўсмирларнинг жавобгарлик ёшини камроқ қилиб белгилаш орқали уларнинг ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгарлигини оширишни таъкидлайди. К.П.Пайзуллаев ҳам ушбу жиноят бўйича жавобгарлик ёшини қисқартиришни ўз илмий ишларида асослаб ўтган. Я.М.Яковлев, А.Халиков<sup>10</sup> ва К.П.Пайзуллаевлар сингари биз ҳам ушбу фикрлар тарафдоримиз. Чунки нормал ривожланган 14-16 ёшга етган шахслар юқорида кўрсатилагн хатти-ҳаракатларнинг ижтимоий хавфлилигини ва ҳуқуққа хилофлигини англаб етишади. Жинсий жиноятлар учун жавобгарлик ёшини юқори қилиб белгиланиши эса болаларда жинсий муносабатлар соҳасидаги хатти-

<sup>6</sup> Уголовный кодекс Беларусь. Законодательство зарубежных стран. – Санкт-Петербург: Юридический центр Пресс, 2001. – С.232-233.

<sup>7</sup> Уголовный кодекс Азербайджана. Законодательство зарубежных стран. – Санкт-Петербург: Юридический центр Пресс, 2001. – С.174-175.

<sup>8</sup> Игнатов А.Н. Ответственность за преступления против нравственности (половые преступления). – М.: Юридическая литература, 1966, - С.21.

<sup>9</sup> Осипов П.П. Половые преступления (общие понятия, социальная сущность и система составов): Автореф. дисс...канд.юрид.наук. – Л.:ЛГУ, 1967. – С.10.

<sup>10</sup> Халиков А. Ответственность за посягательство на интересы несовершеннолетних. – Нукус: Каракалпакстан, 1983. – С.126.

ҳаракатлар учун жавобгарлик туйғусининг пасайишига олиб келади ва бу турдаги жиноятлар учун муваффақиятли курашишни заифлаштириши мумкин.

Болаларнинг жинсий дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятларни содир этувчи шахслар яъни субъектлар бошқа жиноятларни содир субъектлардан бир қанча хусусиятлари билан ажралиб туради. Тадқиқот доирасида ўрганилган жиноят иши материаллари шуни кўрсатмоқдаки, ушбу турдаги жиноятларни содир этган шахсларнинг 40%и психик ва жинсий соҳадаги нуқсонларга эга, деб топилган.

Суд тергов амалиётида бундай турдаги жиноятлар сексуал маньяклар томонидан содир этилиш ҳолатлари ҳам учрайди<sup>11</sup>. Масалан сексуал маньяк А.Р.Чикотило 1978 йилдан 1990 йилгача Россия, Ўзбекистон ва Украина ҳудудларида ўзининг 53 та қурбонини вахшийларча ўлдирган бўлиб, улардан 21 таси 8-16 ёшгача бўлган болалар, 14 таси 9-17 ёшгача бўлган қизлар, шунингдек, 18 таси катта ёшдаги қизлар ва аёллар бўлган<sup>12</sup>.

Суд-тергов амалиётига кўра жуда кўпчилик ҳолатларда болаларнинг номусига уларнинг ўз яқин кишилари (оталари, акалари, ўғай оталари ва бошқа қариндошлари) томонидан тажавуз қилинганлигини гувоҳи бўламиз. Статистик маълумотларга қараганда мазкур жиноят 36-38% ҳолатларда жабрланувчининг яқин қариндошлари томонидан содир этилган.

Болаларнинг жинсий дахлсизлигига қарши қаратилган жиноятларни юридик таҳлилини амалга оширишда субъектив томон ҳаракатларини ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга егадир.

Юридик адабиётларда жиноят таркибининг субъектив томони жиноят таркиби тўғрисидаги қоидаларни баён этиш ёки муайян таркибларни таҳлил қилиш муносабати билан ёритилади. Бизнингча, айрим турдаги жиноятларни умумий тавсифлаш учун уларнинг субъектив томонига хос хусусиятларни ўрганиш муҳим ҳисобланади.

Жинсий жиноятларда бундай хусусиятларга айбнинг қасд шакли, қасднинг шакллашиш жараёни, унинг ёналиши ва ривожланиши, шунингдек, мазкур жиноятларнинг мотив ва мақсадларини киитиш мумкин.

Болаларнинг жинсий дахлсизлиги ва эркинлигига қарши қаратилган тажавузлар фақат қасддан содир этилади, бу эса уларнинг объектив

<sup>11</sup> Маньяк выходит на охоту /Катастрофа сознания//Труд-7. 1999. 30 сентября; Терентьев Д. Он переплюнул Чикотило /Сенсация // Ж. Вне закона.-1999. - №42(95). 18 октября. – С.3.

<sup>12</sup> Исаев А. Под судом маньяк //Труд.1992. №63. 14 апреля; Исаев А. Вампир признал свою вину // Труд. 1992. №67. 21 апреля.

томонини ташкил қилувчи ҳаракатларнинг аниқ бир мақсадга қаратилганлигини ифодалайди. Ушбу белги шу турдаги барча жиноятларга тегишлидир. Шунингдек, болаларнинг жинсий дахлсизлигига тажавуз қилувчи жиноятлар жабрланувчининг ёши фактига нисбатан ҳам тўғри қасд билан характерланади. Чунки қасддан жиноят содир этаётган қилмишнинг объектив томонини ташкил қилувчи барча белгилари сифатида унинг ижтимоий ҳавфлиликдан ташқари жабрланувчининг ёшини ҳам олдиндан билиши керак.

Айрим олимлар фикрича эса, болаларнинг жинсий дахлсизлигига тажавуз қилувчи жиноятлар жабрланувчининг 16 ёшга тўлмаганлиги фактига нисбатан айбнинг эҳтиётсизлик шакли орқали ҳам содир этилиши мумкин. Фикримизча, олимларнинг ушбу нуктаи назарида ўрин йўқ. Чунки айбдор жабрланувчининг 16 ёки 18 ёшга тўлмаганлигини тахминан эмас, балки аниқ билиши лозим. Буни эса Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 118 ва 119-моддалари учунчи қисми “а” бандидаги “шахснинг 18 ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган”, тўртинчи қисмидаги “14 ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган”, шунингдек, ЖКнинг 128 ва 129-моддалари диспозициясидаги “шахснинг 16 ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган” – деган тушунчаларнинг қонун чиқарувчи томонидан ўрнатилганлиги фактининг ўзи тасдиқлаб беради. Яна бир олим Б.С.Никифоров<sup>13</sup> эса вояга етмаганлик фактига нисбатан эҳтиётсизлик орқали содир этилган жиноятлар улар қасддан содир этилган бўлса ҳам, эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятга айланиб қолиши мумкин, деб ҳисоблайди. К.П.Пайзуллаев эса, вояга етмаганлик фактига нисбатан эҳтиётсизлик орқали содир этилган жиноятларни эҳтиётсизлик орқали содир этилган жиноят деб ҳисобламасликни ва бу орқали болаларнинг жинсий дахлсизлигининг ҳуқуқий ҳимояси четда қолиб, жиноятчиликка кенг йўл очиб берилиши мумкинлигини таъкидлайди. Бу масала бўйича Г.А.Кригер<sup>14</sup> ва бошқа олимлар (П.П.Осипов<sup>15</sup>, Ю.К.Сушенко<sup>16</sup>, Я.М.Яковлев<sup>17</sup>, Б.А.Блиндер<sup>18</sup>)нинг

<sup>13</sup> Никифоров Б.С. Об умысле по действующему уголовному законодательству //Ж. Советское государство и право. – 1965. - №6. – С.36; Карнович Г.Б., Коршик М.Г. Расследование половых преступлений. – М., 1958. –С.12.

<sup>14</sup> Кригер Г. Ешё раз о смешанной форме вины // Ж. Советская юстиция. – 1967. №3. – С.7

<sup>15</sup> Осипов П.П. Половые преступления (общие понятия, социальная сущность и система составов): Автореф. дисс...канд.юрид.наук. – Л.:ЛГУ, 1967. – С.112-115.

<sup>16</sup> Сушенко Ю.К. Ответственность за половые преступления против несовершеннолетних по советскому уголовному праву: Автореферат дисс... канд. юрид. наук. – Саратов: СЮИ, 1967. – С.37

<sup>17</sup> Яковлев Я.М. половые преступления. – Душунбе: ИРФОН, 1969. – С. 254

<sup>18</sup> Блиндер Б.А. Уголовно-правовая охрана свободы достоинство женщины. – Т: ТашГУ. 1970. –С. 93

қуйидаги фикрини асосли деб ҳисоблаймиз: “... шахснинг вояга етмаганлиги фактига нисбатан айбнинг эҳтиётсизлик шакли орқали содир этилган жиноятларда квалификация ва жазо тайинлаш масаласини хал қилиш учун бевосита жиноят ҳуқуқи назариясининг умумий қисми қоидаларидан фойдаланиш керак”. Олимларнинг юқоридаги фикрини давом эттирган ҳолда, айбдорни жавобгарликка тортиш масаласи юзасидан “айбдорнинг жабрланувчи вояга етмаганлигини билган, билиши лозим ва мумкин бўлган ҳолатларда унинг жинояти қасддан содир этилган жиноятга тенглаштирилади”<sup>19</sup> – деган қоидадан фойдаланишни лозим деб топамиз.

Айбдор жабрланувчининг вояга етмаганлигини абланувчининг жабрланувчи шахсий ҳужжатлари билан таниш эканлиги, унинг мактабда ўқишини билиши, жабрланувчини олдиндан таниши, жабрланувчи билан суҳбат қуриши орқали билиб олиши каби ҳолатларда билиши лозим ҳолатлар сифатида кўрсатиш мумкин.

Болаларнинг жинсий дахлсизлигига қарши қаратилган тажавузларнинг субъектив белгилари ичида жиноят мотиви ўзига хос ўринни эгаллайди. Бу ерда шунини айтиш мумкинки, кўп ҳолларда ушбу жиноятларнинг мотиви бўлиб жинсий эҳтиёжни қондириш кўринишидаги шахвоний мотив ҳисобланади<sup>20</sup>. Лекин бундан ташқари мазкур жиноятлар қасос олиш, шарманда қилиш ва бошқа мотивларда содир этилиши мумкин.

16 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш жинояти субъектив томондан фақат тўғри қасд билан содир этилади<sup>21</sup>. Бу борада А.Н.Игнатовнинг мазкур жиноят эгри қасд билан ҳам содир этилиши мумкин<sup>22</sup>, деган фикрлари асоссиздир. Чунки, айбдор жабрланувчининг 16 ёшга тўлмаганлигини билган ҳолда, унинг розилиги билан жинсий алоқага киришишни истаб ҳаракат қилади. Жиноят субъекти томонидан жабрланувчининг ёшини билиш унинг хатти-ҳаракатларини ЖКнинг 128-моддасига мувофиқ квалификация қилишнинг зарур шартидир. А.Н.Игнатов ёш мезонини белгилаш шарт эмаслигини ва қилмишни квалификация қилиш

<sup>19</sup> Сборник действующих постановлений Пленумов Верховных Судов СССР, РСФСР и Российской Федерации по уголовным делам с комментариями и пояснениями / Отв. ред. В.И.Радченко. –М: БЕК, 2000. – С. 211-217.

<sup>20</sup> Тоҳиров Ф. Жинсий жиноятлар мотивининг хусусиятлари // Журнал. Илмий тадқиқотлар ахборотномаси. – 2017. №4. – Б.43.

<sup>21</sup> Пайзуллаев Қ.П. Вояга етмаганларнинг жинсий дахлсизлиги ва эркинлигини муҳофаза қилиш муаммолари (жиноят-ҳуқуқий, криминалогик жиҳатлар): Юрид.фан.номзоди илм.даражасини олиш учун дисс. – Тошкент, 2006; –С. 51.

<sup>22</sup> Игнатов А.Н. Квалификация половых преступлений. Для служебного пользования. – М.:Юридическая литература, 1974. – С.95.

учун жабрланувчи вояга етмаганлиги фактининг ўзи ҳам етарли бўлишини таъкидлайди. Афсуски, биз ушбу фикрларга қўшила олмаймиз. Чунки 16 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилишда айблаб жавобгарликка тортиш учун айбдорнинг қасди 16 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилишни қамраб олган бўлиши ва бу факт билан тўғридан-тўғри, бевосита боғланган бўлиши лозим. Бундай қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги ҳам шунда ҳисобланади. Яъни жабрланувчининг ёшига нисбатан муносабат фақат тўғри қасд билан характерланади.

Баъзан жинсий жиноят содир этиш жараёнида субъект онгида бошқа жиноят ҳам содир этишга, хусусан, содир этилган жинсий зўрликни яшириш мақсадида хатто жабрланувчини ўлдиришга бўлган қасд ҳам юзага келиши мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, болаларнинг жинсий дахлсизлигига қарши қартилган жиноятларни юридик таҳлилни амалга ошириш орқали ушбу турдаги жиноятларни объектив ва субъектив белгиларини чуқур ўрганишимизга ҳамда бу орқали ушбу турдаги жиноятларга тавсив беришимизга ва қонунчилик нормаларини тўлиқ ва мукамал англашимизга ёрдам беради.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Пайзуллаев Қ.П. Вояга етмаганларнинг жиноий дахлсизлиги ва эркинлигини муҳофаза қилиш муаммолари (жиноят-ҳуқуқий, криминологик жиҳатлар): Юрид.фан.номзоди илм.даражасини олиш учун дисс.автореф. – Тошкент, 2006; –С. 91.
2. Советское уголовное право (Особ. часть) / И.И. Сеницкий и др. – Л: ЛГУ, 1959. –С. 158.
3. Сексуальное насилие у подростков. Пособие для врачей-курсантов. Под редакцией профессора Ю.А.Гуркина. – Санкт-Петербург: ППМИ, 1997. –С.3.
4. Тоҳиров Ф. Шахсга қарши жиноят ёхуд жинсий қилмишларга доир муамолар // Ж. Ҳаёт ва қонун. - 2003. -№6. -Б. 17. Юридический словаб. В 2-х т. –М: Юридическая литература, 1997. Т.2. – С. 228.
5. Флоренций Б.Ю. Истоия рабовладельческого государства и права. – М., 1959. – С. 287.

6. Александров К. М. Офицерский корпус армии генерал-лейтенанта А. А. Власова. Биографический справочник. – М.: Посев, 2001. – ISBN 978-5-85824-186-

7. Пудовочки Ю.Е. Ответственность за преступления против несовершеннолетних по российскому уголовному праву. Научн. ред. докт. юрид. наук, проф. Г.И. Чечель. – Санк-Петербург: Юридический центр Пресс, 2002. – С. 17